

Ўн еттинчи аср бошларига келиб, Европанинг ҳеч бир давлати мохов касаллигига қарши кураш борасида Венеция мамлақати каби чора-тадбирларни қўлламаган эди.

Бу ерда тозалик ва тартиб-интизомни сақлаш масаласида катъий қоидаларга амал қилинарди. Махсус идоралар мамлақатга келувчи ҳар бир кемани назорат қиларди. Яъни, Европа бўйича дастлабки карантин тадбирлари ана шу ерда жорий этилган эди. Барибир қўрилган барча зарур чораларга қарамай, шаҳарни фалокат қангалидан омон сақлашнинг иложи бўлмади: кора ажал Венеция бўйлаб яна қайтадан бош қўтарди. У дахшатли даражадаги қўргиликларни юзага келтирди.

КЎК ЛАГУНА СОХИЛИДАГИ ШАҲАР

Венеция XVII асрнинг илк босқичида гуллаб-яшнади. Ўз бойликларини ён-атрофига марок билан намоёниш эта бошлади. Аммо бойваччаларнинг мухташам ва салобатли қасру қошоналари каторида бошқа бир Венеция яшарди. Бу оддий ва турли тоифадаги қашшоқ меҳнатқаш халқдан иборат шаҳар аҳли эди.

Шаҳарнинг катта қисми кичик-кичик қўчма иморатлардан иборат бўлиб, у ерда асосан, тикувчилар, бўёқчилар, шам тайёрловчи усталар, пайвандчилар, арик-зовур тозаловчилар, қунбай ишловчилар ва гадойлар турмуш кечирарди.

Портда эса ҳамиша қўплаб денгизчилар, савдогарлар ва зиёратчилар тўхтаб ўтишарди. Негаки Венеция Шарқ ва Африка минтақаларига олиб борувчи дарвоза ҳисобланарди.

Майдонлар ва катта-кичик чорраха йўлларда субҳи содиқдан то вақти хуфтонга қадар одам оёғи тинмасди. Бу ерларнинг ҳар қадамида чачвон ёпинган турк мусулмонларини, иудей динига сизгинувчи қавмларни, араб савдогарларини ва кора танли маврондоғларни учратиш мумкин эди. Дунёнинг барча қитъаларидан Европага илк бор ташриф буюрган тижорат аҳли ва саёхатчилар энг аввало Венецияга қадам қўйишарди. Бу ерда бутун Ев Чунки Шимолий Италияда Мантун шаҳри учун уруш қетаётганди. Айнан ана шу жойда мохов касаллиги тарқалди...

1630 йилнинг 8 июнида Венецияга Мантундан шу юрт герцогининг бир гуруҳ элчилари келишади.

Улар билан биргаликда шаҳарга юқумли микроблар кириб келади.

Мохов касаллиги Венецияга тез-тез "меҳмон" бўлиб турарди. Биргина 1348 йилдан 1575 йилга қадар бу шаҳарни 20 марта мазкур касаллик балоси исқанжага олган.

Қасаллик тарқатувчи омилларни бу мамлақат портига қўпинча улкан денгиз кемалари олиб келарди. Негаки уларнинг ичида ҳамиша қўплаб қаламушлар учраб турган.

Қаламушлар сохилга чиқиб, бутун шаҳар бўйлаб тарқаб кетишган. Ушбу кемирувчилар билан бирга келган бургалар одамларга ўтиб, қасаллик чиқарувчи микробларни қенг тарқатган.

Дастлаб бургалар каламушларни чаккан, улар кийналиб ўлгач, бошқасига ўтган. Сўнг одамларга хужум қилган. Шу тарика бутун бошли шаҳарни эпидемия қоплаб олган. Венецияда каламушлар ўзларини жуда эркин ва беҳавотир ҳис этишган. Улар Санто-Стефано ибодатхонаси, Сан-Марко майдони, Риалто тошқўприги теҒраси, Калледели-Армени номли арман мавзеси, Сан-Жоржо-де-Ғречи деб аталувчи юнонлар тумани ва яхудийларга қарашли Ғетто даҳасида эмин-эркин чоғиб юришган. Албанларнинг Кампо-Сан-Маурициоҳудуди, немис савдоғарлари ховлиси ва Усманийлар салтанатининг тижоратчилари қўналғаси бўлган Фондако-деи-Турки каби қатор мавзеларда каламушлар инсонларнинг ажралмас мавжудотиға айланиб қолганди... Венеция фақат Шарқ ва Ғарб оралиғидаги асосий йўллар қесишган нуқтағина эмасди. Шу билан бирға, у ўзға ерликлар учун бошқа шаҳарларға нисбатан анча эркинлик берилган мақон ҳам эди. Хорижликларға хатто бу ерда ўз ибодатхоналарини қуришға ҳам руҳсат берилганди. Мазкур ўлка юнонлар энг қўп бўлган ҳудудлардан бири эди. Улар Венецияға Х асрданок ўрнашиб олишганди.

1453 йили Константинопол турқлар томонидан босиб олинғанидан кейин бу ердаги юнонлар жамоаси 10000 нафардан ҳам ошиб қетганди. 1514 йили венециялик юнонлар ўз миллий проваслав ибодат-хоналари —Сан-Жоржо-деи-Ғречини қуриш учун ижозат олишға мувафғақ бўлдилар. Арманлар ҳам Венецияға жуда қадимдан ўрнашиб олишганди. Уларнинг Санта-Кроче номли ибодатхонасиға 1496 йилда асос солинган. 1228 йилдан олдинроқ немис савдоғар ва ҳунармандлари шаҳарда ўз ховли-жойларини қуришган. Риалто тошқўприги атрофида эса уларнинг ўз савдо расталари ҳамда устачилик дўқонлари бўлган.

Венецияда доимо тинимсиз ҳаракат ҳуқм сурарди, ҳар қуни бу ерға юзлаб-минглаб қишилар қелиб-қетарди. Бандарғохларға дунёнинг турли бурчакларидан сузиб қелган улқан қемалар ланғар ташларди. Ағар Европада турли-туман юқумли қасалликлар учун қенг очиб қўйилган дарвоза мавжуд бўлган эса, у айнан Венеция эди, дейиш мумқин.

АСЛИЯТДАН ҚЎЧИРМА

Қир-қир ва ифлосликлардан тозаланмайдиган қашшоқлар яшовчи даҳаларда каламушлар ҳақиқий қулғат манбаи бўлиб қолди. Рио-Мариндаги жуда зич қилиб қурилган уйларда қамбағал ҳунармандлар, қора ишчилар, балиқчилар ва нуғфузи энг паст бўлган қасб-қор эғалари—ғўрқовлар, фаррошлар, фоҳишалар, қудуқ тозаловчилар, гадой ва ўғрилар истиқомат қилишарди. Бу шўрпешоналар томиғача қирқинға ботқан қаталақдек хоналарда аранг қун қўришарди. Расвойи жаҳон бўлиб қетқан ховлиларнинг умумий манзараси бу ерда илдиз отқан қашшоқлик, қўшмақилик ва жинойтчилиқни яққол намоён этиб турарди. Заҳ босқан хоналарға мутлақо қуёш нури тушмас, шу боис уларнинг деворлари моғорлаб қоп-қора доғлар ҳосил қилиб турарди. Бундай уйларнинг пиллапоялари шу даражада тор ва танг қурилган эдики, натижада ҳаётдан қўз юмған юқори қаватдаги қишини тўғридан-тўғри зинапоялар орқали эмас, балки замбилларға солған қолда олиб тушишға тўғри қеларди; Шунда ҳам бечора тобутқашлар марҳумни бамисоли бир қоп қабри елкасиға ортмоқлаб олиб тушарди.

Оилалардаги яшаш шароити ҳам бағоят даражада паст эди. Хочналарда саноклигина жихозлар "бўларди, холос. Улар атиги ётоқ кровати, бир-иккита курси ва оддий сандикдан иборат бўлиб, ушбу матохлар кизил ёки яшил рангга бўяб кўйиларди. Негаки бу тусдаги бўёқлар энг арзон эди. Сандикларда кийим-кечаклар сакланган.

Венецияликлар Пасха байрамида (диний байрам) бир-бирларини хамиртуруш солиб пиширилган хушбўй ифорли нон билан сийлашган. Рождество тантаналарида эса улар ширинликлар, турли пиширик ва шарбатлар билан ўзаро меҳмондўстлик қилишни анъанага айлантириб олишган. 11 ноябр—Мукаддас Мартин кунда барча венецияликлар ковурилган каштан ва беҳили пишириклар истеъмол қилишган.

Бу каби пиширикларни Венециядаги барча фукаролар дастурхонида учратиш мумкин эди. Аммо хамиша эмас, балки юкорида санаб ўтилган санокли байрам кунларида, холос. Кўй, мол, парранда, балик ва ноёб хайвонлар гўштидан тайёрланувчи турли-туман тансик таомлар эса факат бой хонадонлар дастурхонида учрарди. Рио-Мариннинг увадаси чиккан уйларида, ахлат босган ховлиларида яшовчи фукаролар бундай таомлар хакида хатто орзу ҳам қилишмасди. Оддий халқнинг асосий озуқаси ун махсулотлари ва сарделка ҳамда скумбрия деб номланувчи баликлар бўлган. Улар овқатни умумий сув идишдан олинган сув ва арзон гаров вино билан тановвул қилишган...

Кўплаб хунармандлар ўз уйларида ишлашарди. Уларнинг асбоб-ускуналари каталакдек хоналарда қалашиб ётарди. Хар бир ана шунаканги уйларда албатта, каламушлар яшарди.

Аксарият каламушлар савдо битимлари тузиладиган тижорат кемаларидан юқлар туширилиб, махсулотлар тахлаб кўйиладиган Риал-то кўприги атрофида ин курганди. Ушбу тошкўприкдан унча узок бўлмаган жойда галла омбори бўлиб, унда махсулотни тортиб оладиган умумий тарози ҳам бор эди. Савдо расталарида дон ва ун сотиларди. Шунингдек, бодапазлар май ҳам сотишар эди. Бозорларда гўшт ва балик махсулотларини кўриб, камбагалларнинг кўзи қувнарди. Бирок уларни сотиб олишга бечоралар сарик чака ҳам топа олишмас-ди. Хамма жойда оломон изгирди. Минглаб фохишалар ўз уйи олдидаги тор кўчаларга чиқиб, интиклик билан миждоз кутарди Шовкин-суронли, бой ва хавф-хатардан холи бўлмаган бу шаҳар аҳолиси ўзига хос тарзда хаёт кечирарди.

Чоршанба кунлари Кампо-Сан-Полода бозорчиларди. Шанбада эса асосий савдо-сотик ишлари Сан-Марко майдонида давом этарди. Белгиланган бу кунларда пештахталар мева-чева, сабзавот ва турли-туман зираворлар, кўкатлар солинган саватларга тўлиб кетарди. Хамма жойда хозиру нозир каламушлар махсулотлар ичида бемалол ўз ишини қилиб юраверарди. Жони халқумига келган сотувчилар уларни хар хил таёкчалар, супургилар билан қувишдан безор бўлиб кетишарди.

Европадаги энг йирик кемасозлик нуктаси бўлган Арсенало худудининг каттагина қисмида ҳам худди Мурано оролидаги каби кемирувчи каламушлар сайр қилиб юришарди. Муранода ойнасозлик корхонаси бўлиб, унда Венециянинг оламга машхур ойналари ишлаб чиқарилар эди. Усталар бу ерда нафис қадахлар, кубоклар, гулдонлар, кўзгу ва дераза ойналари яшашарди. Венеция шиша идишлари жуда юкори бахоланарди. Каламушлар хатто шу шишасозлар оролини ҳам тинч кўймади.

КЎЗГА КЎРИНМАС УРУШ

Одатдагидек, уй-жойсиз дайдилар биринчи бўлиб касалга чалинишди. Улар кўлтик остининг шишиб кетиши, йиринглаши, танахарорати кескин ошиши, бошнинг каттик огриши ва бутун аъзои баданининг зиркирашидан шикоят кила бошлашди. Кейин эса уларнинг сонларида кора доғлар пайдо бўлаётгани кўзга ташланди. Венецияликлар бу мохов касаллиги аломатлари эканини аллақачон билишарди. Ана шундан кейин бутун Европа мамлакатлари бўлаб, мохов касаллигининг дастлабки эпидемиялари кенг тарқалди. Кора ажал кўланкаси вақти-вақти билан Европага кўп бор қайта-қайта таҳдид солиб турди. XIV асрда машъум офат шамоли минтақа аҳолисининг учдан бир қисмини ҳаётдан олиб кетди. "Шунчалик кўп одамлар ўлдиди, уларни ҳеч ким, ҳатто энг катта мукофот эвазига ҳам кўмиб қўйишни истамасди,— деб ёзганди "Сиен хроникаси" муаллифи Анолоди Тур.—Мархумар жасадини итлар еб кетмаслиги учун уларнинг устига шунчаки тупрок сепиб қўйишарди, холос". Бандаргоҳ бекатлар шаҳарларга касаллик кириб келувчи дарвоза вазифасини ўтади. Дунё давлатлари билан мустақкам савдо алоқаларини ўрнатган Генуя ва Венеция шаҳарлари айниқса бу ўринда етакчилик қилди. Ушбу ердаги бандаргоҳлар орқали Европага нафакат мохов, балки бошқа кўплаб касаллик микроблари ҳам кириб борди.

Одатда, Сенат (шаҳар бошқармаси) қуйидаги мазмунда буйруқ чиқарарди. Мабодо венецияликлар бандаргоҳдан сохилга тушаётганлар орасида мохов касаллиги аломати бор бўлган кишиларни кўриб қолишса, дарҳол: "Бошқа вилоятлардан келган бирорта ҳам бемор Венеция теғрасига киритилмаслиги, ундайлар мажбуран галереяларга сургун қилиниши ва уларга тегишли ҳар қандай кемалар ёкиб юборилиши ҳақида маълум қилишсин!" 1423 йили Сенат илк бор моховларни даволовчи касалхона очди. Бу шифохона шаҳар жанубидаги оролчада эди. Бирок мазкур шифо масканида ҳеч қимни даволай олишмади. Негаки ушбу касалликни бартараф эта оладиган бирон бир дори-дармон воситасининг ўзи йўқ эди. Оролча мохов туфайли ҳаётдан кўз юмганлар кабрига тўлиб кетди.

Орадан бир неча йил ўтиб, Венеция Европада биринчи бўлиб карантин тартибини жорий этди. Бу янгилик ҳақиқий маънодаги инқилобий ёндошув эди.

1490 йили Сенат санитария идорасини ташкил этди. Бу идора таркибида нотариус, мирза, олти нафар ёрдамчига эга бўлган капитан, кема қаровчиси, тегишли қонун ва қарорларни эълон қилиб боровчи қотиб, мархумларни қабрга элтувчи уч нафар «юкчи» ва битта қоровул фаолият юрита бошлади. Санитария идораси ходимлари касаллик эпидемияси сабабли қийналиб, чекка-чекка вилоятлардан келган барча кишиларни текшириб чиқишарди. Уларнинг рўйхатиға ҳар қуни аниқлик киритиларди. Шу билан бирга, санитарлар томонидан бандаргоҳга келувчи ҳар қандай юк кемалари ҳам қатъий назоратга олинарди,

Шаҳарга бортида моховга қалинган беморлари бўлган кема ёки қайиқлар қелса, улар бутун туриш-турмуши билан дарҳол тўғридан-тўғри моховлар даволанадиган махсус шифохонага олиб кетиларди. Кўзга бироз соғломроқ бўлиб кўринган беморлар эса, зудлик билан кип яланғоч қилиб ечинтирилар ва сирка билан обдон ювинтирилиб, уларга янги либослар бериларди. Сўнг тоза ва озода бўлиб қолган беморни карантин учун қирқ кунга янги касалхонага жўнатишар эди. Карантин тартибини Сенатнинг талаби даражасида ҳаётга тадбиқ этиш жуда мушкул қечган. Оқик бандаргоҳ шаҳарнинг дарвозаси бўлмаганки, уни шунчаки ёлиб қўйиш мумкин бўлсайди. Оддий

кайикка ўтириб ҳам исталган томондан Венецияга кириб келса бўларди. Бу ерга ташриф буюрган киши халқасимон тор ва танг кўчаларда адашиб, турфа тилларда мулокот килувчи оломон орасига сингиб кетганини ўзи ҳам билмай коларди. Шу сабабли ҳам Сенат рухонийларни санитария коидаларига мунтазам амал килишга чакирарди, Чунки улар тез-тез касалликдан вафот этган оилаларга чакирилиб турилар, дин ахкомлари мархум учун дуолар тиловат килишар эди. Агар таъзияхонага рухоний чакирилган бўлса, демак, санитария идораси ходимларидан мархумнинг касаллик холатини сираям яшириб бўлмасди. Бирок кўрилган буидай катъий чора-тадбирларнинг ҳеч бири Венецияни бало-ю казодек ёпирилиб келган касаллик офати-дан асраб коллмади.

КУЛФАТ ЁЛГИЗ КЕЛМАЙДИ

1630 йили ушбу кулфат ўз тарихинингфожиали палласини бошдан кечираётган шаҳарни яна ўз домига олди. Венецияликлар урушда маглубиятга учраб, харбий кўшинларидан жудо бўлишди. 1630 йилнинг апрел ойида Венеция жангга 14000 аскар жўнатди. Сенат Мантуан герцоглигининг мероси масаласидаги можарога аралашини истаб, рим-герман императори ва унинг иттифокчиси—Венеция республикасининг анъанавий душмани бўлган Испанияга қарши курашга чикди.

29 майда венецияликлар армияси Мантуан остонасига келди ва шу ерда улар бутунлай тор-мор этилди. Император Фердинанд аскарлари зум ўтмай, Венеция лашкарлари қаршилигига барҳам берди. Мантуан остонасидаги маглубиятдан сўнг венецияликлар ўз курулли кучларининг асосий қисмидан жудо бўлишди. Бу улар учун қутилмаган зарба эди. Бусиз ҳам венецияликлар кун сайин заифлашиб, жаҳон савдо марказида тутган ўзларининг мустаҳкам мавкеларидан мосуво бўлиб боришаётганди.

Асрлар оша Венеция савдогарла-ри Шарк мамлакатларига темир, ёғоч, ойна, жун, кемасозлик

ускуналари ва куллар олиб бориб сотишарди. У ёқдан Европага эса тўқимачилик маҳсулотлари, ипак матолар ва фил суяги келтиришарди. Венеция шарк давлатларидан олиб келинадиган тўқимачилик ва ноёб экзотик моллар савдоси туфайли жуда бойиб кетганди.

Европада Венеция бойваччаларига тенг келадиган давлатмандлар йўқ эди ҳисоби. Уларнинг шаҳарлари минтақадаги энг асосий савдо бандаргохлари ҳисобланардй. Бирок XVI асрга келиб, қудратли тижорат салтанатининг мақоми хар жихатдан пасайиб кетди. Бу ҳолат секин-аста юз берди. Йилдан йилга Венециянинг ишлари орқага кетаверди. Бунинг кўпгина ўзига хос омиллари бор эди.

Венециянинг сиёсий жихатдан заифлашувига Усманийлар салтана-тининг уларга ўтказган босими сабаб бўлди. Масаланинг техник жи-хатларини олиб қарайдиган бўлсак, унда Англия билан Голландиядаги кемасозлик саноатининг жадал тараккий этганини кўрамиз. Бу эса ўз навбатида Венеция инкирозининг техникавий сабабларидан бири ҳисобланади.

Венеция учун энг хавфли таҳдид солиб, унинг савдо марказидаги аҳамиятини йўққа

чиқарган важ карсонлардан яна бири, бу—XV аср охирига келиб, испан ва португал географик ўлкаларининг кашф этилгани бўлди.

Христофор Колумб томонидан янги китъанинг топилиши, Васкода Гама «ихтиро» қилган Хиндистон денгиз йўли айнан ушбу фикрлар исботидир.

Испан ва португал денгиз йўлларининг очилиши каби буюк янгиликлар оламга нисбатан бўлган карашларни тубдан ўзгартириб юборди. Дунё худуди кенгайди, хали шу чоккача кўпчиликка коронги бўлиб келган минтакалар аён бўлди. Бундай улкан ўзгаришлар оламида Венеция энди марказий ўринларга эга бўлолмай қолди. У асосий йўллардан анча узокларда қолиб кетди. Венециянинг ахволи ана шундай тубанликка юз тутган бир пайтда, унинг бошига яна кора ажал балоси соя солди...

1630 йили Венецияда мохов эпидемияси бошланган кезде, аҳоли ушбу кулфатнинг барча асорат ва белгиларини яхши билишарди. Баданга хар хил тошмалар тошиши, кўлтикости ва бўғимларда катта-катта йиринг, ботик яралар пайдо бўлиши ҳамда терининг ўз-ўзидан коп-кора тус олиши, ириб кетиди, ушбу касалликнинг дастлабки аломатлари саналарди.

Шу боис, шахар бошкармасининг масъул ходимлари соғлом кишини ваҳима ва саросимага солувчи «мохов» сўзини тилга олишдан иккиланиб, янаям аниқроқ айтадиган бўлсак, ирганиб юришди. Улар мазкур «Чакирилмаган мехмон» шахар учун катта талофатлар келтиришини яхши билишарди. Барча транспорт йўллари ёпилиши, флотда карантин эълон қилиниши ва таъминот дархол тўхтатилиши зарур бўлган.

Бундай кескин ҳолатда мохов эпидемияси шахар ҳаётининг асосини ташкил этувчи савдо-сотик фаолияти илдизига болта урмай қолмасди, албатта.

Мазкур вазиятда Сенатнинг шошилмай иш тутганидан хайратланмаса ҳам бўлади. Шахар оксоқоллари эпидемия оловини ўз ишонч ва кучлари билан бартараф этиш умидидан сираям воз кечишмади. Эпидемия камраб олган худудлар тегра сизга мохов кўланкаси бормаган жойлар кам бўлса-да, учраб турарди.

Сенат аъзолари мохов эпидемияси тарқалганини расман тан олиши натижасида нафакат Венеция савдо-сотиги, балки мамлакатнинг бошка барча хўжалик фаолиятлари ҳам издан чиқишини, шунингдек, оломон орасида оммавий ваҳима кўтарилиб, аҳоли шахарни ташлаб чиқиб кетиши мумкинлигини тушунишарди.

ХУДО БИЛАН «ТУЗИЛГАН БИТИМ»

1630 йил 22 июнда Сенатнинг дек-рети (қарори) чиқди. Унда илк бор мохов касаллиги билан боғлиқ воқеалар расман тилга олиб ўтилди.

Шахар бўйлаб бир-биридан дахшатли шов-шувлар кенг қулоч ёйди. Венецияни «Илохий иллат» босди, дейишди. Аллақайси бойваччалар аллақачон мохов урган шахарни тарқ этиб, овлоқ жойларга яшириниб олди деган гаплар тарқалди. Бу каби саросималардан кейин, ёзнинг ўрталарида 24000 венециялик шахардан бутунлай чиқиб кетди.

22 июн декретида бирон-бир санитария тартиблари хусусида ҳеч қандай гап йўқ эди. Унда фақат мохов эпидемиясига қарши қурашнинг диний воситалари тўғрисида сўз борарди, ҳолос. Сенатжон қуйдириб, Тангри таоло билан ўзига хос «битим тузиш»га

уринган эди. Агар шахарликлар гунох ишлар килишдан тийилишса, Худо уларни мохов касаллигидан халос этармиш.

«Худо бизга бўлган нафратини ўзига хос усулда намойиш этапти, унга килган дахрийлигимиз учун у бизларни шундай жазолаяпти,— халк бу фикрга ишонди—Шу билан бирга, Худо хаммамизни яхшиликка ундаб, хак йўлга бошкармоқда».

Шахар хукумати бу касаллик ба-лоларини Худонинг маънавий кадриятлар борасидаги эслатмаси сифатида талкин этишди.

Мохов эпидемияси чукур илдиз отиб бораётгани муносабати билан Венецияда маънавий ахлоқ полицияси ташкил этилди. Унинг зиммасига Худонинг иродасига карши гунохлар содир этувчиларга карши курашиш вазифаси юкланди. Булар замирида дахрийлик, ахлоқсизлик, киморбозлик, майхўрлик, мечкайлик, исрофгарчилик иллатларига зарба бериш каби масалалар бор эди. Шунингдек, кимматбахо такинчоклар такиш, шохона либослар кийиш хам улар томонидан таъкикланди. Венециялик кўплаб зодагонлар ўз бойликларини кўз-кўз килиш максадида камёб матолардан тикилган кийим-кечаклар кийишгани учун хам ахлоқ полицияси шундай йўл тутишни лозим топганди.

Эпидемия бутун мамлакатни ёппа-сига камраб олгунга қадар кўрилган бундай чора-тадбирлардан кейин шахарликлар Худонинг кахри сўнишига жуда-жуда ишониб юришганди. Бундан ташқари, шахарни хар хил каланги-касанги дайди ва гадойлардан тозалашга хам бел боғланди. Бу ўринда, биринчи галда Сан-Марко тумани назарда тутилди. Негаки ушбу туман марказида рухоний—Мукаддас Роҳ нинг ибодатхонаси ва унинг атро-фидаги бойваччалар хонадонлари олдида жонсарак моховларни дарддан халос этишдек сохта ниятли кўплаб рохиблар босиб кетганди.

Сенат бундай жойларда кашшок оломон тўпланиши мумкин эмас, деган қарорга келди. Бунақа

холга асло йўл кўйиб бўлмайди, чунки бу—улуғ динни ҳақоратлаш ва таҳкирлаш билан баробардир.

Шахар ҳокимияти камбағаллар ҳақида қайғу-ришни зиммаларига олишди. Бу савоб иш эзгуликка хизмат килиб, Худонинг нафратини сусайтиришга ёрдам беради, деб ўйлашарди улар.

Худога хуш ёқувчи хайрли ишлар хам ўз ўрнида фойдали, албатта. Етим-есирларни боқиш, уларга бошпана бериш—шахар ҳокимиятининг асосий бурч ва вазифаси-дир. Аммо кўлланган ушбу тадбирларнинг бирортаси хам эпидемия оқибатларига барҳам беришда кўл келмади. Кўплаб венецияликлар кун сайин ўзларида мохов касаллигининг тобора кўпроқ аломатларини пайкай бошлашди.

Танадаги лимфатик тугунлар ша-моллаши ва бадан хароратининг кескин кўтарилиб кетиши мазкур хасталикнинг илк белгиларидан ҳисобланарди. Ўзига тўқ оилалар уйларига табиб чакириб, таналарига кон кўйиришарди. Бу ўша пайтдаги оддий тиббиёт муолажасиди. Организмга кон куйдириш, бадандаги кучли харорат ва намликка барҳам беради. Шунингдек, юкумлилик хавфини қамайтиради, деб ўйлашган...

Сентябр ойида санитария идораси ходимлари моховга чалинган беморлар ҳақида ҳисобот тайёрлади. 1630 йилнинг июн, август ва сентябр ойларида улар мохов касаллигидан вафот этган 1216 нафар бемор номини қайд этишди.

Расмий ҳужжатларда таъкидланишича, ўша пайтлари Испания, Германия, Полша ва Ўрта ер денгизининг шарқий минтақаларидан Венецияга 5000 нафар хорижликлар ташриф буюрган. 1516 йилда қабул қилинган декретга мувофиқ, уларнинг бари мўъжаз

туманлардан бирида яшаган.

ЯХУДИЙЛАР МАСАЛАСИ

Моховдан ўлганлар орасида 13 нафар яхудий ҳам бор эди. Шу сабаб Сенат куйидаги мазмунда қарор қабул қилди: «Яхудийлар Сан-Жироламо ёнидаги Гетто мавзесида қурилган умумий бинода яшаши керак. Улар тун бўйи тентираб юрмасликлари учун Гетто Векконинг барча томонида кўприк қурилган, бошқа бир тарафда эса дарвоза ўрнатиш назарда тутилган. Эрталаб Марангол кўнгироги чалиниши билан дарвоза очилиши ва ярим тунда ёпилиши лозим. Бу ишни амалга ошириш учун яхудийлар христиан динига мансуб тўрт нафар қоровул ёллаши ва уларга Сенат хайъати белгилаган миқдорда меҳнат ҳақи тўлаши даркор».

Бу жой ҳамма томондан канал ва деворлар билан ўраб ташланган эди. «Гетто» иборасининг ўзи ҳам эҳтимол, айнан шу мавзенинг тузилиш маъно-мазмунидан келиб чиққандир. Чунки бу ҳудудда анъанавий металл қуювчиларнинг устахоналари жойлашганди.

Кечаси Геттодан ташқарида қўлга тушган ҳар бир яхудийга пул ҳисобида жарима солинарди. Шаҳарда иккинчи маротаба қўлган олинган яхудийни эса икки ойлик камок жазоси кутарди.

Шаҳар ҳукумати фақат яхудий шифокорларнигина мазкур чоралардан истисно этдилар. Негаки уларнинг аксарияти шаҳарликлар орасида юксак ҳурмат-эътибор қозониб улгурганди. Умуман олганда, христианларнинг иудий мазҳабидаги врачлар ёрдамида даволаниши таъқиқланган эди. Аммо фаровон яшайдиган венецияликлар бу таъқиққа парво қилишмасди. Улар учун яхши ва малакали шифокор бўлса бас эди.

Яхудийлар мавзесида аҳоли жуда зич яшарди. Ер танқислиги учун Геттонинг кичкинагина майдончаси атрофида баланд-баланд иморатлар қурилди. Бу уйларнинг кўпчилиги ўн қаватли эди. Венециянинг бошқа туманларида бунга ўхшаш осмонўпар бинолар барпо этилмаган. Геттодаги уйларнинг шифтлари жуда паст бўлиб, улар тежам-қорлик мақсадида шундай қилинганди. Ушбу иншоотларнинг пастки қаватларида савдо-сотик дўконлари, ошхоналар, нонвойхоналар, этикдўзлик устахоналари, ноширлик идоралари, молия-судхўрлик бўлимлари жойлашганди.

Геттонинг ҳали бир гектар майдонида 1000 дан ортиқ киши зич бўлиб яшаган. Бу эса Венециянинг бошқа туманларидаги ўртача аҳоли зичлигига нисбатан тўрт баробар кўп эди. Яхудийларнинг бунчалик тигиз бўлиб яшашларига қарамай, 1630 йилнинг сентябр ойи охиригача Геттода атиги 13 нафар кишининг моховдан ўлгани хайрон қоларли ҳолдир.

Октябр ойида мохов билан касалланганлар сони бирдан ошиб кетган ва ойнинг охирига бориб, уларнинг миқдори 2121 нафарга етган.

Бозорларда нон, гўшт, ёғ, балиқ, вино ва шам қаби маҳсулотларнинг нархнавоси кескин

даражада кўтарилган. Кўплаб венецияликлар озик-овкат молларини гамлашга киришиб кетади. Улар ўз уйларига камалиболиб, эпидемиянинг яхши-лик билан якун топишини кутиб ўтиришни ишташади.

Ибодатхоналар ибодат килувчиларга тўлиб кетган. Рухонийлар тиним билмай уларга хизмат кўрсатишган. Одамлар моховдан халос этувчи дуолар ўқийдиган рухоний— Мукаддас Рохнинг атрофидан нари кетмай колишди. Уни кўпинча овкатини ит олиб келиб берувчи касал кифасида тасаввур этишарди. Сан-Рокко ибодатхонаси теварагида ҳам динга ишонувчилар сафи турнакатор бўлиб тизилиб кетарди. Венецияликлар Худо уларнинг гунохларини кечирришлари учун ўртада воситачи бўлишини сўраб, рухонийларга дуо-ю илтижолар кили-шарди.

Халк хар хил товламачилар дўко-ни олдидан нари кетмай колди. Сехр-жоду гиёхлари, мўъжизавий сув кўшилган дорилар ва афсунгар-лик туморларига нисбатан бўлган талаб ҳамда эҳтиёж мисли кўрил-маган даражада ортиб кетди.

Шифокорлар ҳам зўр бериб, касалларни ва соглом кишиларни хасталик юкишидан асраб колувчи кукун дорилар савдосига киришиб кетди лар. «Малхам дори»лар меъёри кат та ёшдагилар учун (тахминан, мо-ховлар касалхонасидаги беморга бериладиган микдорга якин эди) 12 солди (пул бирлиги) турарди. Ўсмирларга белгилангани—8, бола-ларники—6 солдидан сотилган.

«Кимга тўй, кимга аза» деганлари шу бўлса керак-да. Йўк, бундан ҳам аниқрок килиб айтадиган бўлсак, ўша замон шифокорларининг максад-муддаосини «Эчкига жон, кас-соссобга мой кайгуси» кабилида тушунсак, айна хакикатни айтган бўламиз. Чунки ўз халкининг бошига тушган ўлим кулфати ортидан бойлик тўплашга уринган кимсаларга бундан бошка яна кандай бахо бериш мумкин?

Рус тилидан Рахмон КОДИР таржимаси